O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
14 март
ЧОРШАНБА

№ 21
(11.928)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

Маҳаллang обод – Ватан обод

## ҒАЙРАТЛИ ИНСОННИНГ КЎЧАСИ ҲАМ ФАЙЗЛИ

**Фасллар келинчаги дея таъриф берилган баҳор фаслининг таровати ўзгача. Бу фаслда она-табиат ўзининг бутун гўзаллигини намоён этади. Чор-атрофдаги наботот олами яшилликка бурканиб, кишига завқ-шавқ улашади. Куртаклар кўз очиб, мевали дарахтлар қийғос гуллайди, ўзининг нафис ва хушбўй ифорини сочади. Кўклам барчамизда янги-янги умидларни уйғотади.**

Ўлкамизда баҳорий айём — Наврўзи олам тобора яқинлашмоқда. Халқимиз азал-азалдан бу байрамга қизғин тайёргарлик кўради. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг Наврўз тантаналарига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш мақсадида март ойида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини, 10-11 март кунлари эса, умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги фармойиши аҳолининг бу борадаги фаоллигини янада ошириб юборди. Шу кунлари вилоятнинг барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларида, маҳаллаларда, ўқув юртларида, шунингдек, дала ва боғларда умумхалқ ҳашари кўтаринки руҳда, фаоллик билан ўтди.

Халқимизга хос удум бўлган жамоа ҳашаридан ҳеч ким четда қолмайди, ҳар ким ўз ҳиссасини қўшишга ошиқади. Бу баҳор умумхалқ ҳашарида вилоят бўйича 1 миллион 200 мингга яқин киши фаол иштирок этди. Шанба ва якшанба кунлари 1 минг 534 километр узунликдаги ариқ-зовурлар, суғориш иншоотлари тозаланди. 6 минг 271 гектардан зиёд майдонда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, маҳалла ва корхоналарнинг ҳудудлари 9878 тонна маиший ва саноат чиқиндиларидан тозаланди. Қадамжо ҳамда қабристонларда саранжом-саришталик ишлари давом эттирилди.

Кўча ва хиёбонлар, маҳаллалар ҳудудларига 573 минг туп манзарали, 273 минг тупга яқин мевали дарахт ҳамда 435 минг тупга яқин турли гул кўчатлари экилди. Миришкор боғбонларимиз 870 минг тупдан зиёд дов-дарахтларни оқлаб, шакл беришди. Барча ишларга корхона ва ташкилотлар томонидан 1171 та техника воситаси жалб этилди. 26 минг 600 турар-жой биноси таъмирланиб, тартибга келтирилди.

— Бу йилги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, хусусан, умумхалқ ҳашари изчиллик билан ташкил этилди, — дейди Оҳангарон шаҳри «Шодлик» маҳалласи раисаси Ўғилой Ботирбекова. — Ҳудудимизда асосан кўп қаватли уйлар мавжуд. 530 хонадонда ўзбек, қозоқ, рус, корейс, немис ва бошқа кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар умумхалқ ҳашарида уюшқоқлик билан иштирок этишди.







Умумхалқ ҳашарида Янгийўлнинг Гулбаҳор шаҳарчасида 1050 киши қатнашиб, 2000 туп дарахт кўчатларини ерга қадашди. Йўл бўйлари ва майдонларга «Агромаш» корхонасида етиштирилган 600 туп арча кўчати экилди.

Шунингдек, ободонлаштириш ишларида Паркент, Ўртачирчиқ ва Зангиота туманлари аҳолиси ҳам фаол қатнашди. Дарахт кўчатлари экишда Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманлари ташаббусни қўлдан бермай ҳаракат қилишди.

Жойларда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури ижросини таъминлаш, кўп болали, ногирон, кам таъминланган оилаларга 55,9 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Бу ишларда Қибрай, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманлари намуна кўрсатди. Жумладан, Бўка туманида мурувват ёрдами кўрсатишга 9,8 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Эрта тонгданоқ енг шимариб амалга оширилган ишларни файзи ўзгача бўлади. Ўтган икки кунлик умумхалқ ҳашарида кексаю ёш фаоллик кўрсатиб, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
умумхалқ ҳашаридан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ,**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




**Гўзал баҳор нафаси олам кезмоқда. Она табиатнинг елкасида эриган қорлар гиёҳларга жон бағишловчи обиҳаётга айланиб, далаю даштни яшнатмоқда. Яшилликка бурканган борлиқ мусаффолик сурурида маст.**

## АЙЁМ ТАРАДДУДЛАРИ

Наврўзнинг ҳосиятли қадамларидан унган гиёҳлар ифори димоғингизни чоғ, кўнглингизни сарафроз этади. Бепоён кенгликлар, қир-адирлар бағрига сингиб кетгудек бўласиз.

Айниқса, тоғли қишлоқ аҳли учун баҳорнинг келиши ўзгача. Бўстонлиқнинг сервиқор тоғлари бағрида жойлашган қишлоқлардан бири Такаёнғоқда ҳам кўклам нафаси кезиб, дов-дарахтлар, мевазор боғларни баҳорий либос билан сийлай бошлади. Бутун умри она заминни яшнатиш, одамларга ризқу рўз улашиш ҳаракатида ўтаётган бободеҳқон эса баҳордан ҳам эртароқ ҳаракатга тушган. Вақтни ғанимат билиб, бир дақиқа бўлсин, тинмайди. Ўз меҳнатидан ўзи сармаст: вақтида чилпиб, тарошланган, ортиқча, бефойда шохлардан халос бўлган дарахтларнинг томиридан бўртиб чиққан куртаклар барг ёзиб, гулкосалар юз очган. Айниқса, саҳархез ўриги тушмагур ҳали қор эримай, ниш уриб чиқмоқчи бўлган гул бутоқларига эрк бериб, аллақачон оқ, пушти кўйлагини кийиб олган.

— Деҳқончилик, боғдорчилик асли бизга ота касб, — дейди фермер Илёс Мискиналиев. — Айниқса, кўчат экиб, боғ яратиш орзуси доимо хаёлимни банд этиб келган. Тадбиркор, фермерларга яратилаётган шароитлар туфайли орзуимга эришдим. Ҳозир ўн гектар ерга мевали дарахтлар экиб, парвариш қилаяпман. Оилам, тўрт фарзандим ҳам боғ ишлари билан банд. Айни кунларда боғимизнинг файз-таровати ўзгача. Айрим дарахтлар бу йил илк бора гуллаб, мева тугади. Уларни ўз қўлларим билан экканлигим учун фарзандларимдек азиз бўлиб қолган. Алоҳида меҳр, эътиборни сезган ҳар бир дарахт гўё мен билан сирлашаётгандек...

Мен эса, эрта-индин юртимиз, элимиз дастурхонини безайдиган сархил меваларнинг мўл-кўллиги учун эмин-эркин меҳнат қилиш имкониятига эгалигимдан бахтиёрман. Отам раҳматли «Яхшидан боғ қолади» дея кўп такрорлардилар. Лекин боғ яратиш машаққатларига тоқат қилиш, эрта тонгдан қош қорайгунча тиним билмай тер тўкиш асл деҳқон, боғбоннинг иши. Фарзандларимга ҳам ҳар бир дарахт билан дўстлашиш, тиллашиш сирларини ўргатаяпман. Улардаги табиатга бўлган меҳр, гўзалликка ошнолик туйғулари она-Ватанга муҳаббат, садоқатга пайванд бўлишига ишонаман. Яхши ниятлар билан олий ўқув юртига кирган қизим ҳам келгусида табиатшунос олима бўлса, бизни боқиб, кийинтирувчи она заминнинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшса дейман...

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Инсон руҳиятидаги уйғониш, янгиланиш, кўтаринкиликка тирик табиатнинг баҳорий насимлари уйғун, ҳамиша ҳамроҳ. Бир-бирини тўлдириб, бир-бирига суяниб яшовчи табиат ва инсоннинг илк баҳор кунларидан янада ўзгача руҳ касб этган ҳамкорлиги боис олам мунаввар, борлиқ мусаффо бўлғай.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## «ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ» ЧОРЛАЙДИ

**"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан ўтган дам олиш кунги умумхалқ хайрия ҳашари ва ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида баҳорги анъанавий экологик тадбир уюштирилди.**

Тадбир "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудида ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли фан арбоблари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ҳашарчилар бу ерда жойлашган "Дипломатлар боғи" ҳудудини кенгайтириб, уч юздан ортиқ мевали дарахт кўчати ўтқаздилар.

Тадбир қатнашчилари институт музейини ва тажриба ўтказиладиган базасини бориб кўрди. Бу ерда 1,5 минг турдаги мевали дарахт ва узум навларининг ноёб коллекцияси тўпланган.

Шу куни "Экосан" ташкилоти Тошкент тумани марказий шифохонаси ва кам таъминланган оилаларга қиймати 3 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Янги анъаналар

## САХОВАТНИНГ САВОБИ КАТТА

**Ўлкамизда халқимиз азалий қадриятларининг ёрқин ифодаси бўлмиш Наврўзи олам нафаси кезаётган шу кунларда меҳр-мурувват, саховат каби соф инсоний фазилатлар янада чуқурроқ мазмун-моҳият касб этмоқда. Вилоятимиз туман ва шаҳарлари бўйлаб уюштирилаётган «Саховат» акциялари кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда.**

Дастлаб Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида бошланган хайрли тадбир Оққўрғон, Чиноз ва Бўка туманларида ҳам бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ибратли ташаббусни жойлардаги мулкчилик шаклидан қатъи назар кўпгина корхона-ташкилотлар, хусусий тадбиркор ва фермерлар қўллаб-қувватлаб, баҳоли қудрат ҳиммат кўрсатмоқдалар.

Бўка туманида ташкил этилган акция ўз номи билан саховат тадбирига айланди. Тумандаги қатор корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ҳомийлигида 16 та маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 25 та кам таъминланган хонадон соҳибларига бир бошдан қора мол тортиқ этилди. 54 нафар эҳтиёжманд оиланинг коммунал тўловлардан жами 2 миллион 10 минг сўмлик қарзлари тўлаб берилди. Яна 27 та шундай оилага тумандаги пахта тозалаш заводи ҳомийлигида 135 та товуқ тарқатилди.

Чиноз туманидаги акция доирасида аҳолининг бир гуруҳ эҳтиёжманд қатламига 7 миллион 620 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 3 та хонадон сигирли, 35 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила эса коммунал қарздорликдан халос бўлди. 100 дан ортиқ эҳтиёжманд оилага боқиш учун 1000 дона товуқ олиб берилди. Саховатга, айниқса, «Чиноз тўқимачи», «Чиноз йўлиндустрия» корхоналари қатори кўплаб ташкилотлар ва хусусий тармоқ вакиллари муносиб улуш қўшдилар. Акция давом этади.





**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
тадбирдан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ,**
**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**

Устувор вазифа

## ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЕТАРЛИ

### уларни тўла ишга солиш ва оқилона фойдаланиш керак холос

Республика Президенти Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган дастурий маърузасида иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, шунингдек, инфляция даражасининг пасайиши ва халқ турмуш фаровонлигининг ошиш тамойиллари мустаҳкамланганлигини алоҳида қайд этди. Ўтган йили эришилган натижалар, хусусан, аҳолининг энг муҳтож тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ҳамда таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларидаги мақсадли умуммиллий дастурлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга ошириб келинаётганлиги асосли таъкидланди.

Айни пайтда маърузанинг энг диққатга сазовор, энг халқчил томони, унинг танқидий руҳ билан суғорилганлигидадир. Юртбошимиз бир қанча муҳим ва ўзига хос жиҳатлар ва хулосаларга танқидий руҳ билан ёндошиб, бу йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Чунончи, аввало, мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш лозимлигига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЛОЙИҲА САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро болалар жамғармаси ҳамкорлигида «Болага дўстона муносабатдаги мактаб» номли дастур тайёрланганига кўп бўлгани йўқ.**

Ўқув жараёнларини уйғунлаштириш, ўқув дастури мазмунини бойитиш, интерфаол усулни қўллашга қаратилган бу лойиҳа вилоятимиз мактабларида ҳам ўзига кенг йўл топди. Бу борада Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида орттирилган бой тажрибалар эътиборга лойиқдир.

Республика таълим марказининг халқаро ҳамкорлик бўлими томонидан уюштирилган анжуманда ана шу ютуқлар сарҳисоб қилинди. Бу жараёнлар ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳалар, буклетлар намойиш этилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

### МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ

**Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежида масофавий таълим ресурс марказининг ташкил этилиши таълимда ахборот технологияларини ихтисослашган ҳолда жорий этишда муҳим аҳамият касб этди.**

Марказ ўзининг мустаҳкам ўқув-техника негизига эга. Компакт дисклар, видеокассеталар, интернет орқали боғланишлар тингловчилар малакасини оширишга хизмат қилмоқда.

Эндиликда марказда уюштирилаётган масофавий таълим машғулотларида «Махсус ва касбий фанларни ўқитиш методикаси», «Кимё фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар», «Ўқитувчилар фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш» сингари ўқув адабиётлари қўл келмоқда.

Бундан ташқари 80 дақиқага мўлжалланган замонавий дарснинг технологик харитаси ҳам яратилди.

**Али АКБАРОВ.**

### АБДУЛАЗИЗ БЎШ КЕЛМАДИ

**Тошкент туманидаги Турғун Қодиров номли 15-мактабда «5х5» деб номланувчи интеллектуал ўйин ташкил этилди.**

Унда мактабнинг 8-синф ўқувчиларидан 4 нафари иштирок этиб, ўзларининг барча соҳалар бўйича билим ва кўникмаларини намойиш этишди.

Иштирокчилар орасидан Абдулазиз Рустамов барча 5 та босқич саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб бериши ҳисобига ғолиб деб топилди. Айтиш мумкинки, ушбу ўйинни қизиқарли тарзда ташкил этишда «Миллий истиқлол ғояси» фани ўқитувчиси Гулчеҳра Раҳматованинг ҳиссаси катта бўлди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### 15 март – Халқаро истеъмолчилар куни

# ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ МЕЗОНИ

**Ҳар биримиз кундалик турмушда истеъмолчи сифатида кунига бир маротаба бўлса ҳам маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ёки савдо-сотиқ дўконларига мурожаат қиламиз. У ерда ўзимизга маъқул хизмат ёки дидимизга мос маҳсулот турини танлаймиз. Айрим ҳолларда кўрсатилган хизмат ёхуд харид қилинган маҳсулот сифат жиҳатидан талабимизга жавоб бермаслиги мумкин. Гоҳида бунга лоқайд қараб, қўл силтаб кетаверамиз. Агар эътиборли бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилмоқчи бўлсак, албатта, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қиламиз.**

15 март — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни, деб эълон қилинган. Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари яратилган. Жумладан, Бош Қомусимизда асосий эътибор инсон манфаатларига қаратилади. Яъни, инсон ҳуқуқларига Ўзбекистон тараққиётининг асосий манбаи сифатида қаралади. Бу эса, ўз навбатида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашга доир қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, уларнинг барчаси инсон ҳаёти, фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратишга қаратилгандир. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарларнинг келиб чиқиш жойи, манзили тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қонун ҳужжатларини ҳаётга янада тўлароқ татбиқ этиш борасида муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор истеъмолчилар ҳуқуқлари ва кафолатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган. Ўз навбатида мазкур қарор аҳолининг истеъмол ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир ишларни янада фаоллаштиришга замин яратди.

Жумладан, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши биладиган, шунинг замирида оилада соғлом турмуш тарзини тўла яратишга эришган ўсмир, ўрта ва кекса ёшдагилар ўртасида «Юксак маданиятли истеъмолчи» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси қатор дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» танловини ташкил этмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг деярли ҳар бир маҳалласида истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган таянч гуруҳлари иш олиб бораётир. Жамият ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ўз олдимиздаги бурч ва мажбуриятимизни тўлалигича адо этиш лозимдир. Ҳуқуқий онг ва маданиятимизни тарбиялаб, масъулият ва жавобгарликни ҳис қилган ҳолда иш юритсак, албатта, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек мақсадларга эришамиз.

**Саид ҲАСАНОВ.**

### Моҳият

**1980 йиллар эди. Тўнғич ўғил бўлганим учун отам алоҳида участка олиб, рўзғоримни бўлак қилиб қўйиш ҳаракатига тушиб қолди. Колхоз раисига ер сўраб ўн марта борди. Масала ҳал бўлмади. Қўшнимизнинг чорбоғи анча катта бўлиб, бир кун бўлмаса, бир кун барибир олиб қўйишади, деган ниятдами, отамни чақиртириб: «Колхоз олиб қўйгунча сизга берганим яхши, ака, ўғлингизга шу ердан уй солаверинг», деди.**

# ЭЛНИ ЕР БОҚАДИ

Шундай қилиб, озгина томорқаси билан шинамгина уй қурилди. Эсимда бор, участка сўраганларга 6 сотихдан ер берилардн. Натижада уй солингач, томорқага бир қарич ер коларди. Шу ердан даромад олиш учун одамлар икки экин экишни ҳам ўрганишди.

Мустақилликка эришгач, Президентимизнинг биринчи қилган савоб ишлари – уй-жой учун ер участкалари ажратиш бўлди. Каттагина томорқа бериш ҳам кўзда тутилган эди. Бир ҳовлида тиқилиб яшаётган кўплаб оилалар қанотини ёзиб қолди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 1985 йилда республикада шахсий томорқа эгалари тасарруфида атиги 125,8 минг гектар ер бўлиб, бу республика умумий ер майдонининг 3 фоизига тенг эди. 2003 йилга келиб эса, шахсий томорқалар 667,3 минг гектарга ёки 16,5 фоизга етди. 8 миллион киши ер майдонлари билан таъминланди («Қишлоқ ҳаёти» газетаси 2003 йил 27 май, 68-сони). Оила бюджетига томорқадан сармоя туша бошлади. Бир йилда уч марта ҳосил оладиганлар, бир пайкалга икки экин экадиган деҳқонлар, иссиқхона усталари пайдо бўлди. Хуллас, томорқа дастурхонга барака киритди.

Хўш, бугун томорқалардаги аҳвол қандай? Мустақиллик йилларида ер участкасига ёки томорқага зориққанлар деярли қолмади, ҳисоб. Лекин ер участкасини олиб қўйиб, йиллаб на иморат солмаганлар, на томорқа қилмаганлар кўпайиб қолди. Тўғри, бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин. Масалан, қурилиш материаллари қиммат, уста нархи ҳам ошиб кетган. Лекин ер ҳеч кимдан пул сўрамайдику. Озгина меҳнат қилсангиз, терлаб кетмон чопсангиз, мўл ва сифатли ҳосил берадиган еримиз бор, ахир.

Тўғри, ҳар томорқага муносабат ҳам ҳар хил. Бир жойда картошка билан карамга ишқибозлар кўп, бошқа бировлар помидор, булғор қалампири етиштиришга уста, яна кимдир қулупнай, бодринг етиштиради. Хуллас, ҳар жойнинг синалган экини бор.

Яқинда бир оиланинг томорқасида бўлдим. 6 сотих жойга иссиқхона қилиб, ярмига редиска, ярмига помидор экибди. Помидорлар орасида саримсоқ пиёзи бор, пуштасида укроп билан кашнич кўм-кўк бўлиб турибди. Уй эгасининг гапига қараганда, май ойига бориб иссиқхонани очиб ташлаб, бодринг экаркан, пуштасида эса, оқ жўхори етиштираркан. Мен ундан йиллик даромадини сўрадим. 3 миллион атрофида деди. Бир ишониб, бир ишонмадим. Ахир баъзилар 6 гектар ердан шунча даромад қилиб турган пайтда, 6 сотихдан шунча пул топиш...

Майли, ишлабди, қандини урсин, кетмондан кўра ақлни кўпроқ ишлатганига қойил қолиш керак.

15 сотих ери бор бир йигитни танийман. Узоқ йиллар бақлажон, карам экиб, рўзғор тебратарди. Нима бўлди-ю, ерни ташлаб, савдо-сотиққа ўзини урди. Топгани билан тирикчилик қилиб юрибди. Шу йигитга савол бердим:

– Шундай катта томорқани ўтга бостириб қўйиб, савдодан топаётган пулингиздан бирингиз икки бўляптими?

– Бирим икки бўлмаса ҳам оч қолаётганим йўқ, ака. Белим оғриб кетмон чопганимда ҳам шу топиш эди, ҳозир ҳам шу. Фарқи – жисмоний меҳнатдан қутилдим, – деди у ҳансираб.

Турқи-тароватидан нафаси қисилишини билиб қолдим.

Мана, кўрдингизми, томорқадан совиб, савдога ўзини урган одамнинг тушунчаси. Баъзан кўча-кўйда тоғни урса талқон қиладиган йигитларнинг сигарета, сақич ва писта сотиб ўтирганини кўриб, уялиб ҳам кетасан, киши. Ваҳоланки, уларнинг сотихлаб томорқалари бор. Демак, ернинг қадрини, унинг хазина эканлигини ҳали ҳаммамиз ҳам тушуниб етганимиз йўқ, шекилли. Ҳаётда ҳамма ўқимишли, ҳамма зиёли, ҳамма тадбиркор бўлавермайди. Турмуш кимгадир қалам, кимгадир билим, кимгадир амал, кимгадир кетмон беради. Бунинг фарқи ҳам, уяти йўқ. 15 сотих томорқасидан миллион-миллион пул топиб, қўша-қўша уйлар қураётган, тўйлар қилаётганлар кўп. Болаларини ўқитишаяпти, янги иш жойлари очишаяпти. Томорқасига ярим йилда бир марта жўхори экиб қўйиб, унга ҳам яхши қарамай, на рўзғорига, на дастурхонига барака кирмай, ўзи қолиб, замондан нолиб юрган кимсалар кимдан хафа бўлишаяпти? Ахир, сендан ҳаракат, мендан баракат, деган гап бор.

Узоқ йиллар аввал хизмат сафари билан Хитойда бўлганимда қизиқ бир ҳолатга дуч келдим. Темир йўлнинг чеккасида то рельсгача бирон бўш жойни кўрмадим, уларга дуккакли экинлар экиб ташланган эди. Айтишларича, темир йўлга яқин яшаётган одамлар томорқа ҳисобидан 500 метрдан жой олиб, деҳқончилик қилишаркан. Биласиз, дуккакли экинлар баҳор ёмғири билан ҳам пишиб, етилаверади. Бизда-чи?.. Биргина Тошкент – Ангрен темир йўлининг икки четида қанчадан-қанча жой бўш, қаровсиз ётибди.

Назаримда болаларимиз тарбиясида бир нарсани эсдан чиқариб қўйяпмиз, яъни уларга томорқада ишлашни ўргатмай қўйдик. Қўшнимиз Абдураззоқ буванинг яхши бир одатлари бор эди. Ёнига болаларини олиб, томорқада кетмон чопарди. Катта-кичик кетмонлари ҳам болаларнинг бўйи-бастига мос эди. Ҳозир буванинг тўрт ўғли алоҳида уй-жойда яшайди. Ҳаммасининг ҳовлиси ораста, мевали дарахтлар, гуллар, томорқада эса бир қарич бўш ер йўқ. Болаликда кўрганларини эсларидан чиқаришмаган, оталарининг насиҳатларига амал қилишган.

Бува баъзан давраларда бир гапни куюниб айтади:

– Оталар ўзлари қилмаганларига яраша болаларини ҳам томорқага ўргатишмайди. Кўчага чиқсанг, нима кўп бекорчи бола кўп...

Шу ўринда яна бир гап. Бизнинг бир ҳамкасбимиз бор, олий маълумотли журналист, 1985 йилдан буён туман газетасида ишлаб келади. Ҳар тонг у билан сўрашганимда кафтларидан асл деҳқон боласи эканлиги шундоқ билиниб туради. 10 сотих томорқасида йилнинг ўн икки ойида нимадир етилган бўлади. Кеч кузда томорқасига турли кўкатларни сепади, январнинг охири-февралнинг бошларида кўкатларни сотиб, ўрнига дарҳол помидор, булғор қалампири, бақлажон, қолган жойига редискани совуққа чидамли сабзи уруғи билан аралаштириб сепади. Юз минглаб помидор-бақлажон ва булғор қалампири кўчатларини май ойида сотиб бўлади. Ҳар бир кўчатни 20-30 сўмдан сотганида ҳам...

Томорқасига ёзда кирсангиз, 10 сотих ерда 50 сотих ернинг ҳосилини кўрасиз. Бир қарич ер ҳам бўш эмас. Помидор пуштаси ва қатор орасига қизил лавлаги, пушта ўртасига макка, унга туташтириб ловия экади. Энг муҳими, мана шундай аралаштириб экилганида помидорга чилланинг иссиғи хавф солмайди. Бир томонда 5-6 бош зотдор қорамоллар...

Ҳозир ҳамкасбимнинг болалари ёш бўлса-да, мактабдан келибоқ томорқа ишлари, чорва билан астойдил шуғулланишади. Чунки, улар оиланинг фаровонлиги, тўкислиги айнан мана шу меҳнат орқасидан эканлигини тушуниб қолишди.

Дарҳақиқат, биз томорқанинг хазина эканлигини англаш билан бирга болаларимиз тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутишини ёддан чиқармаслигимиз керак. Зотан, меҳнат қилган ҳеч қачон хор бўлмайди.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

# ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЕТАРЛИ

Энг муҳим тармоқларни таркибий жиҳатдан янада ўзгартириш, хорижий инвестицияларни жалб этишга эътиборни кучайтириш, иш ҳақи ва халқ турмуш даражасини мунтазам ошириб бориш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик учун қулай ва соғлом муҳит яратиш, хусусий мулкчиликни янада мустаҳкамлаш, банк-молия ва коммунал хўжалик соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги фикрлар халқнинг дилидан жой олди. Чунки, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларнинг барчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра том маъноси билан бевосита халқ манфаатларига дахлдордир. Халқимиз уларда ўз хоҳиш-истакларини, орзу-умидларини, фарзандлар иқболини, порлоқ келажакни кўрди, ҳис этди. Барча соҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган ислоҳотлар, аҳоли учун яратилаётган қулайликлар, имтиёзларни санаб ўтишга ҳожат йўқ. Барчасига ўзимиз гувоҳмиз, бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Чунончи, биргина солиқ тизимида олиб борилаётган ишларни олиб кўрайлик. Биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган сиёсат муҳим аҳамият касб этаётир. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Муҳаммаджонов унинг ижобий натижалари тўғрисида шундай дейди:

— Ўтган йили юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқ миқдори 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Экология солиғи эса, бутунлай бекор қилинди. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз томонидан халқимизга берилган жуда катта имтиёздир. Боз устига, бу жараён босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

Ана шу имтиёзларни ҳаётга татбиқ этиш, улардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш натижасида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари асосида ўтган йили вилоятимизда 3108 нафар солиқ тўловчи жами 29.4 миллиард сўм миқдордаги имтиёзлардан фойдаланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 2007 йилда солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Солиқ юки янада камайтирилади. Жумладан, даромад солиғи 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 13 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоизгача камайтирилиши режалаштирилмоқда. Натижада вилоят корхоналари ўз ихтиёрида қолдирадиган фойдани 5.2 миллиард сўм миқдорида кўпайтириш имкони туғилди. Солиқ тўловларини енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ихтиёрида 2.6 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда. Бундан ташқари, тиббиёт, таълим ва спорт иншоотларини сақлаш харажатлари корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади. Савдода амалда бўлган учта тўлов ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилади. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари ҳам сезиларли даражада пасайтирилади. Қатор бошқа солиқ тўловлари ва имтиёзлари унификация қилиниши ҳам ўз вақтида ва узоқни кўзлаб амалга ошириладиган оқилона саъй-ҳаракатлардир.

Шундай имтиёзлар, қулайликлар яратилаётган шароитда, моддий манфаатдорлик ортиб бораётган, қолаверса, меҳнат қадрланиб, меҳнаткаш улуғланаётган бир даврда яшаётган барча замондошларимиз битта фикрда якдил: Ўзбекистон ҳамдўстлик давлатлари ўртасида алоҳида нуфузли, серқирра салоҳиятга эга бўлган, келажаги буюк давлатдир!

Сир эмас, баъзида ҳаммамиз ҳам оддийгина ҳолатда, масалан, оила доирасидаги айрим муаммоларни ҳал этишда шошиб қоламиз, тўғри қарорга келишга қийналамиз. Шу нуқтаи назардан қарасак, бутун давлатни, Ўзбекистондек муаззам мамлакатни бошқариш, уни ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторига қўшиш нақадар машаққатли эканлиги яққол билинади. Зиммасида бутун юрт ташвиши турганига қарамай, Юртбошимизнинг барча соҳалар бўйича сўз юритиб, тегишли йўналишларни белгилаб беришлари барчамизга жуда катта масъулият юклайди.

Модомики шундай экан, маърузада белгиланган йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда барчамиз фаол иштирок этайлик, Президентимиз томонидан олға сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлаб, эл-юрт ишончини оқлайлик, азиз умримизнинг азиз онларини халқ иши учун, Ватан равнақи учун сафарбар этайлик. Муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ана шу муқаддас, шарафли ва масъулиятли вазифа йўлида барчамиз камарбаста бўлмоғимиз лозим. Қалб даъвати, виждон амри шуни тақозо этади.

**Бахтиёр АЗИМОВ, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, тизимни малакали ҳарбий-техник мутахассислар билан таъминлаш, шунингдек, ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда унинг қуйи бўғин тузилмалари фаолияти яхши самара бераяпти.**

# ЭЪТИРОФ МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Ўтган йил якунлари таҳлилига бағишланган йиғилишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам бирма бир сарҳисоб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти Марказий кенгашнинг ҳисобот йиғилишида юқори баҳоланиб, барча йўналишларнинг таҳлилий натижалари бўйича вилоятлардаги бўлимлар орасида иккинчи поғонага лойиқ кўрилди. Бу эътироф жамоа зиммасига янада катта масъулият юклаши табиий.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида ташкилотимиз қошидаги техника мактаблари 7664 нафар «В» ва «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлади, — дейди вилоят кенгаши раиси ўринбосари Аҳмаджон Хўжаназаров. — Бундан ташқари жойларда 40 га яқин бошланғич ташкилотларимиз очилиб, аъзолари сони 700 тага ортди. Бу билан қўшимча 44 та янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, ташкилотга аъзо ёшлар спортнинг 30 га яқин техник-амалий турлари билан ҳам шуғулланиб келишади. Бу ерда тайёргарликдан ўтаётган спортчилар мамлакат миқёсидаги нуфузли мусобақаларда вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишаётир. Ўтган йилги миллий чемпионатларда 7 иштирокчи 1-ўринга лойиқ топилган бўлса, 25 нафар вакилимиз 2- ва 3-ўринларни қўлга киритишди.

Йиғилишда навбатдаги вазифалар белгиланиб, улар ижросини йил давомида изчил таъминлаб бориш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

### Тадбиркорликка кенг йўл

# ТЕНДЕР ҒОЛИБИ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

**Олмалиқ вилоятда троллейбус қатнови йўлга қўйилган ягона шаҳар ҳисобланади. Лекин, эътиборсизлик, лоқайдлик троллейбус бошқармасини танг аҳволга солиб қўйди. Биттагина троллейбус амал-тақал қилиб юриб турар, ҳар куни қайсидир қисми ишдан чиқар, йўловчилар соатлаб кўчада қолиб кетарди.**







СУРАТЛАРДА: жамият фаолиятидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Замон олға интилганники деганларидек, бошқарманинг қайта оёққа туриб олишига вилоят ҳокимлигида ташкил этилган тендер сабаб бўлди. 2005 йилда бошқарма негизида «Ташква-транссервис» масъулияти чекланган жамият ташкил топди. Шундан сўнг жамоа бутунлай янгича қиёфа касб этди. Икки йил ичида 150 миллион сўм инвестиция маблағи киритилди.

Ҳозир замонавий троллейбус саройида троллейбуслар сони 6 тага етди. Улар аниқ жадвал асосида ҳаракатланади. Йўловчиларнинг шарт-шароити ўрганиб чиқилиб, йўл ҳақи 100 сўм қилиб белгиланди. Бундан троллейбусдан фойдаланувчилар қатори бутун шаҳар аҳли хурсанд бўлди. Чунки шаҳарда транспорт хизмати анча тартибга тушиб қолди. Троллейбусларни саройнинг ўзида, маҳаллий мутахассислар томонидан таъмирланиши нур устига аъло нур бўлди.

— Троллейбусдан асосан пенсионерлар, мактаб ва коллеж ўқувчилари фойдаланишади, — дейди жамият раҳбари Ўктамхон Ғуломов. — Шундай экан чипта нархини уларнинг ҳамёни кўтариши керак. Тўғри, ҳозирча йўналишдан даромад келаётгани йўқ. Лекин келажакда бу соҳанинг рентабеллилиги кутилганидан ҳам юқори бўлади. Биз учун аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жуда муҳим. Яқинда 5 нафар ёш йигит жамият қошидаги мактабда ҳайдовчиликка ўқитилиб, иш билан таъминланди.

«Таш-ква-транссервис» масъулияти чекланган жамияти қошида яна бир таркибий тузилма ташкил этилди. «Ролик-пласт-стандарт» ҳиссадорлик жамияти конвейер тасмалари учун роликлар, уларнинг таянчлари, электр графит шеткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу кунгача бу маҳсулотлар валютага Россиядан келтирилларди. Соҳа ишончли қўлларга топширилгани ва инвестиция киритилиши ҳисобига бу маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлди. Энг асосийси улар ҳам сифатли, ҳам ишончли, ҳам арзон. Маҳсулотлар учун бир йиллик кафолат муддати ҳам берилади. Шу сабабли мижозлардан сифат бўйича ҳеч қандай эътирозлар бўлмаяпти.

— Ҳозир маҳсулотларни модернизация қилмоқдамиз, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Мирзаакбаров. — Импорт роликларда чанг ўтказмаслик хусусиятига аҳамият берилмаган. Бу ишлаш жараёнида панд бериб қоларди. Биз роликлар ичига лабиринтли чанг ўтказмайдиган мослама жорий этдик. Бундан ташқари модернизация қилинган маҳсулотларнинг ишлаш муддати ҳам узайтирилмоқда. Авваллари графит воситалари елим билан қотирилгани сабабли уларнинг 8-10 фоизи тезда яроқсиз ҳолга келарди. Эндиликда эҳтиёт қисмлар барқарор ишлаяпти. Чунки улар елим билан эмас, махсус мослама билан мустаҳкамланмоқда.

«Оҳангарон цемент», «Олмалиқ кон-металлургия» комбинати каби йирик саноат корхоналари жамиятнинг асосий мижозларига айланди. Ўтган йили улар буюртмаси билан 87 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил жамият ишчи-хизматчилари 12 минг дона ролик, 700 та таянч жамланмаси ҳамда 150 миллион сўмлик электр графит шеткалар ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

— Фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди жамият раҳбари. — Ишчи-хизматчилар учун шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш асосий вазифамизга айланган. Бу йил қўшимча 120 та ишчи ўрни яратмоқчимиз. Шунингдек, 100 ўринли ошхона қуриш режамиз бор. Жамият ҳудудида темир қуйиш цехини ишга тушириш белгиланган. Бунинг учун 78 миллион сўм сармоя ажратилган.

**Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

### Танлов

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Касбига меҳри жўшқин қизлар» кўрик-танлови ўтказилди. У ўсмир қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг миллий либосларга бўлган муносабатларини шакллантириш ҳамда Ҳаракат атрофида бирлаштириш, бошланғич ташкилотларнинг самарали фаолияти учун шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилди.**

# ЕТАКЧИЛАР БАҲСИ

Танловда шаҳар ва туманлардаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилотларининг етакчиларидан 21 нафар иштирокчи қатнашиб, 3 та шарт бўйича беллашдилар. Танловнинг эркин мавзудаги қисмида қатнашчилар шеърият, қўшиқ, рақс, саҳналаштирилган томошалар, шунингдек, бошқа кўргазмалар орқали ижодий салоҳият ва маҳоратларини намойиш этишди.

Бўстонлиқ хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ёшлар етакчиси Гўзал Бобораҳимова барча шартлар бўйича танловда муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларга Ангрен тиббиёт коллежидан Дилноза Мирзалиева ҳамда Оҳангарон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби етакчиси Умида Бўриева сазовор бўлишди. Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Саид ҲАКИМОВ.**

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИГА ПУТУР ЕТМАСИН

**Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиши халқимизнинг катта ютуғи бўлиб, аҳолини ўзимизда етиштирилган дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш имкони яратилди. Натижада четдан ғалла сотиб олишга ҳожат қолмади.**

Бироқ, мана бир неча йилдирки, бошоқли дон экинлари сомонининг ёқиб юборилиши ҳар томонлама зарар келтираётгани ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, 2006 йилда 346,69 гектардан ортиқ майдонда сомонга ўт қўйилди. Бу ўша майдонларда ҳосилдорлик пасайишига олиб келди.

Бундан ташқари қанча-дан-қанча дов-дарахтлар, пилла учун озуқа ҳисобланган тут дарахтлари ёниб кетди.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда бошоқли дон экинлари сомонининг ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда уни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низом ишлаб чиқди. Ғалладан бўшаган майдонларда ва куз пайтида хазонларнинг ёқилиши, дарахтларнинг ноқонуний кесилиши, кўп қаватли уйларнинг томларида очиқ аланга олдириб битум эритиш ва ноқонуний ов юзасидан тезкор назорат ишларини назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари билан келишувсиз олиб боришга рухсат берилди. Юқорида қайд қилинган ҳолатлар аниқланганда жисмоний шахсларга нисбатан кўрилажак чоралар кучайтирилди.

Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида тупроқ микроорганизмлари ҳамда дала атрофларидаги жойлашган ўсимликлар дунёсига катта зарар етади. Шу билан бирга атмосфера ҳавоси ифлосланади. Юқорида қайд этилган Низомда унумдор тупроқларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг асосий воситаси сифатида қаралиб, унга етказилган зарар ҳажми тупроқ балл бонитети ва бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги билан белгиланади.

Қуйидаги рақамларни эслатиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. 1000 гектар майдондаги сомон пояси ёқиб юборилганда атмосфера ҳавосига 500 килограмм азот оксиди, 379 килограммга яқин углеводород, 3 тоннагача кул, 20 тонна атрофида ис ва углевод оксиди (CO) газлари чиқарилади, 1,5-3,0 миллиардгача турли микроорганизмлар нобуд бўлади. Юридик ва жисмоний шахсларга маълум қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган «Бошоқли дон экинлари пояси сомонининг ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низом» тасдиқланганлигини эслатиб ўтишдан мақсад бу соҳада қонунбузилиши ҳолатларини содир этган айбдорларга мазкур Низомга мувофиқ чоралар кўрилишини яна бир карра таъкидлашдан иборатдир.

**Акмал СИДДИҚОВ,**
**вилоят қўмитаси ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи.**



# ЭКОЛОГЛАР ҲИММАТИ

**Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари Наврўз байрами олдидан ўтказилган умумхалқ ҳашарида фаол қатнашди.**

Экологлар ўз идоралари атрофлари қатори шаҳар ва қишлоқлардаги майдонлар, хиёбонларни саранжом-саришта қилиш, ирригация тизимларини тартибга келтириш, янги дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан банд бўлишди.

Экологлар умумхалқ ҳашарида қатнашиш билан бирга ўзларининг бир кунлик иш ҳақлари, яъни сал кам 300 минг сўмни «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказдилар. Улар ўтган йили ҳам Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган «Экология ва саломатлик кунлари»да «Соғлом муҳит соғлом ҳаёт гарови» шиори остида уюштирилган умумхалқ ҳашарида қатнашиб, ходимларнинг бир кунлик маоши яъни 257 минг сўмдан ортиқ маблағни «Экосан» халқаро ташкилотининг вилоят филиали ҳисоб рақамига ўтказишган эди. 222 минг сўм вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасига берилди.

Бундан ташқари экологлар «Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни» муносабати билан ҳам ҳашар ташкил этиб, маҳалла ва хиёбонларни ободонлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

Табиат муҳофазачилари ўтган йили яна бир хайрли ишда қатнашиб, ўзларига бириктирилган Оҳангарон-Ангрен шоҳ йўлининг 4 километрлик қисмининг икки томонини ободонлаштирдилар. Бу ерда 3 минг туп манзарали дарахтлар — арча, терак, қарағай кўчатлари экдилар. Эндиликда уларни парвариши билан изчил шуғулланмоқдалар.

# УЛАР АЛОҲИДА МУҲОФАЗАДА

**Мамлакатимизда табиати муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ҳозирги вақтда бизда тўққизта қўриқхона, иккита миллий боғ, ўн иккита давлат заказниклари ва қатор табиат ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улар республикамиз умумий майдонининг 4,6 фоиз қисмини эгаллаб турибди. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар халқаро конвенцияга мувофиқ мамлакат ҳудудининг камида ўн фоизини ташкил этиши лозим.

# КОМПЬЮТЕР ИШИМИЗНИ ЕНГИЛЛАШТИРДИ

**Ҳаётимизни замонавий компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Компьютер технологиялари табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳам кенг қўлланилаяпти.**



Қўмитамиздаги мавжуд компьютерларнинг техник базасини доимий янгилаш, уларни замон талабига мос ҳолатга келтириш, ўз вақтида таъмирлаш ҳамиша эътибор марказидадир. Шу туфайли иш жараёнида меҳнат унумдорлиги анча ошди, маълумотларни манзилга тез етказиб бериш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Қўмитанинг ҳамма махсус нозирликлари ва минтақавий қўмиталар компьтерлар билан таъминланган. Бухгалтерия ишларини тўла автоматлаштириш борасида қатор дастурлар яратилди ва ходимлар томонидан ўзлаштирилди.

Оҳангарон ва Чирчиқ табиатни муҳофаза қилиш минтақавий қўмиталари қошидаги таҳлилий лабораторияларда компьютерлар сув ҳавзаларига ташланадиган ҳар хил зарарли моддаларни таҳлил қилишга мўлжалланган «Акватест» ускунаси билан биргаликда керакли таҳлилларни тезкор таъминлаб бераяпти.

Халқаро ахборот алмашинуви ишларини яхшилаш ва дунё экологик ташкилотлари билан узвий мулоқотда бўлиш мақсадида қўмитамизда интернет тармоғидан кенг фойдаланиляпти. Замонавий технологияларнинг ривожланиши туфайли солиқ масалалари ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлашда тезкор маълумотларнинг берилишини таъминлаш учун тезкор информацион дастурлар ўрнатилди. Компьютер ва электрон жиҳозлар ёрдамида фаолият юритувчи ходимларнинг билим савиясини ошириш мақсадида мунтазам ўқув-машғулотлар ташкил этилмоқда.

Келажакда янги дастурлар мажмуасини яратиш мўлжалланмоқда. Маълумотларни жойлардан йиғиб, таҳлил қилишга ёрдам берадиган дастур устида иш олиб борилляпти. Унинг ёрдамида ишимиз унумдорлиги янада ошиши шубҳасиз.

**Рустам ТЎЛАГАНОВ,**
**вилоят қўмитаси ахборот-таҳлилий маркази бошлиғи.**

## Табиат ва инсон

*Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси*

# «ҚАЛАМҚОШ» МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

**Ҳозирги кунда ер юзида қушларнинг 8500 га яқин тури борлиги қайд қилинган. Серқуёш Ўзбекистонимиз жаҳоннинг қушларга ниҳоятда бой минтақаси ҳисобланади. Агар бутун Европада 300 тагача қуш тури учраса, биргина республикамизнинг ўзида уларнинг 424 хили рўйхатга олинган. Бугунги кунда баъзиларнинг ножўя ишлари оқибатида уларнинг айрим турлари йўқолиб кетди ёки йўқ бўлиб кетиш арафасида.**

Бунга какликни мисол қилишимиз мумкин. Бу қуш халқ тилида «қаламқош» дейилади. Бугунги кунда какликларнинг етти тури маълум бўлиб, улар ташқи кўриниши, вазни ва яшаш жойига қараб фарқ қилади. Каклик ҳаракатчан қуш, унинг сайраши ва ҳаракати уй товуғини эслатади.

У тоғ қуши бўлиб, Кавказ, Ўрта Осиё ва Олтой тоғларида жуда кенг тарқалган. Яқин вақтлардан Қрим тоғ ҳавосига ҳам мослаша бошлади. Каклик қояли тоғларда, тош тўшалган тоғ ён-бағирларида, шағалли майдонларда, қуюқ бутазор орасида, айниқса, арчазорларда, мангу қор қоплаган тоғ чўққиларию саҳро қумликларида яшай олади. Бир жойда муқим ҳаёт кечиради. Тошлар ёнида ёки буталар тагида ин қуриб, 16 тагача тухум қўяди. Она каклик уч ҳафта тухум босади, тухумдан чиққан жўжалар унинг атрофида югуриб, ердаги қурт-қумурсқа, чувалчангларни териб ейди.

Катта ёшдаги какликлар янги чиққан ўтлар, уруғлар, ёввойи ва саримсоқ пиёз, шунингдек, бошқа мевалар билан озуқаланади. Улар яшаётган жойни қалин қор қопласа, яқинроқ воҳага кўчиб ўтади. Озуқа етишмаслигидан кўпчилиги қирилиб кетиши ҳам мумкин. Қуёш чиққунга қадар улар булоқ бошларида, ботқоқликларда ва ўтлоқларга чиқиб сайрашади. Тушга яқин сайрашдан тўхтаб, кечгача бутазор тошлар орасида, соя салқин жойларда дам олади. Улар октябрь ойининг охири ва ноябрь ойида семиради.

Албатта, барча қушлар сингари какликнинг ҳам она табиатимизда ўз ўрни бор. Унинг сайраши полапонларини эргаштириб юришини томоша қилган ҳар бир кишининг дили яйрайди. Какликнинг кейинги вақтларда кескин камайиб кетиши жуда ташвиш туғдирмоқда. Бунга асосий сабаб овчиларнинг уларга аёвсиз муносабатидир.

Қушларни муҳофаза қилиш учун уларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида қўриқхоналар, заказниклар, питомниклар ва бошқа алоҳида объектлар ташкил этиш, сунъий уялар илиш, дам олиш учун мосламалар ўрнатиш, сув билан таъминлаш, далалар ўртаси ва четларидаги тепаликларни, дарахтзорларни, бутазорларни табиат ёдгорликлари, микроқўриқхоналар сифатида асраш лозим. Дала четларига, йўл атрофларига, канал ва коллектор ёқаларига, жарликларга, шўрхок участкаларга дарахт ва буталар экиш лозим. Қушларни қўриқлашда экологик тарбияни, яъни оммавий ахборот воситалари ва жонли мулоқотлар орқали тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

**Азиз АЗИМОВ,**
**вилоят қўмитаси нозирлиги 1-даражали мутахассиси.**

# ЧИҚИНДИ ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

**«Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти атроф-муҳитни ифлослантирувчи корхоналардан бири ҳисобланарди.**

Бироқ кейинги йилларда бу ерда кескин ўзгаришлар юз бериб, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йили корхонада эколтрофильтрларни таъмирлаш ва янгиларига алмаштириш, ускуналарни тўла таъмирлаш ҳамда бошқа шу каби ишларга бир неча миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада ҳавога чиқиндилар чиқариш камайди, айниқса, улардан қайта фойдаланишда янги марралар эгалланди. Ҳозирги вақтда жамиятда ҳосил бўладиган технологик чиқиндиларнинг 90 фоизидан ишлаб чиқаришда фойдаланиляпти. Корхонада ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кўп миқдорда сув сарфланади. Илгари оқавалар тозаланмай, оқизиб юбориларди. Эндиликда бунга ҳам барҳам берилди. Унинг ҳаммаси шу ернинг ўзида тозаланиб, қайта фойдаланилмоқда. Корхонага қарашли карьерларда хом ашё қазиб чиқариш тугаганидан кейин ер майдонларининг қайта тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Жумладан, Жавасой қумоқ тупроқ конининг ўнг қирғоқбўйи участкаси тўла рекультивация қилинди ва қишлоқ хўжалик корхонаси ихтиёрига топширилди. Жамоа кейинги вақтда ҳар йили йигирма гектар атрофида ер майдонларини деҳқончилик қилиш учун тақдим этаяпти.

Бундай натижаларга цементчилар табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларига мувофиқ атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишни камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли эришишмоқда.

**Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги махсус таҳлилий назорат нозирлиги (МТНН) ва унинг жойлардаги тўртта лабораторияси жамоалари аниқ режа асосида ишлаб, атроф-муҳит мусаффолигини тўхтовсиз таҳлил қилиб бормоқда ва бу соҳада муайян ютуқларга эришмоқда.**

# ЛАБОРАТОРИЯЛАР ҲИССАСИ

Айниқса, ер, сув ва ҳаво муҳофазаси бўйича мониторинг ўтказишда фаол қатнашмоқда. Ўтган йилнинг биринчи уч чорагида 48 та саноат корхонасида шундай таҳлил ўтказилди. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан ҳар ойда, юқори сув қатламларидан ҳар чоракда, тупроқни булғатувчи манбалардан бир йилда икки марта (баҳор ва кузда) намуналар олиб, уларнинг тозалик даражаси замонавий ускуналар ёрдамида текширилмоқда. Ифлосланиш сабаблари ва манбалари аниқланиб, айбдорлар жазоланаяпти ҳамда камчиликларни бартараф этишга эришилмоқда.

# ИЖАРАЧИ ЎРМОНЧИЛАР

**Оҳангарон ўрмон хўжалигининг айрим участка ва бўлимлари шахсий тадбиркорларга топширилмоқда. Бу тартиб қисқа муддатда ижобий натижани бера бошлади. Айрим ижарачилар ўзларига шартнома асосида ажратилган минтақаларда ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини тиклаш, сақлаш ва кенгайтиришда ўрмончиларга ўрнак бўлмоқдалар.**

Ўрмон хўжалигининг «Овжозсой» бўлимини ижарага олган «Пром-Алп» овчилик ва балиқчилик жамияти раҳбари В. Цой ва шу жамият эгери Ю. Йўлдошевнинг фаолияти мақтовга сазовордир. Шартнома мажбуриятларига тўла риоя қилаётган бу ижарачилар табиат неъматларини асраб-авайлабгина қолмай, уларнинг бойиши ва кўпайишига эришмоқдалар. Уларнинг жонкуярлиги, ҳайвонлар ва паррандаларнинг нобуд бўлмаслиги учун зарур чора-тадбирларни кўраётганлари ўз самарасини бермоқда.



Улар бўлимни ижарага олганларида бу ердаги ёввойи жониворлар бармоқ билан санарли даражада эди. Эндиликда бўлимда тамомила бошқа манзарани кўрасиз. Ҳайвонлар анча кўпайди. Масалан, тўнғизлар 150 тадан ошиб кетди. Бошқа ёввойи ҳайвонлар ва паррандалар ҳам кўпайди. Уларнинг озуқа қидириб топишлари қийинлашган вақтда, айниқса, қишли-қировли кунларда сунъий боқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган қиш мавсумида ҳам жониворлар очликдан қийналмаслиги учун амалий чоралар кўрилди. Бундай хайрли ишларга ижарачилар қатори вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозирлари Ж. Қосимов, А. Алихонов ва А. Азимов ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ижарачилик табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жуда қўл келмоқда. Шундай экан иш юритишнинг бу усулини янада кенг жорий қилишни давом эттириш айни муддаодир.

**Фазилат ЖАМОЛОВА,**
**вилоят қўмитаси мутахассиси.**

Биласизми?

# ЭМАН ДАРАХТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Эман баланд ўсадиган ва танаси йўғон дарахтлар қаторига киради. Унинг бўйи 40 метрга, энининг диаметри 6-7 метргача боради. Шамолу бўронларга қоядек маҳкам туришига сабаб дарахт илдизининг вазнидир. У дарахт оғирлигининг 25 фоизини ташкил этади.**

Эман ҳақида Рим рассоми Плиний Старший «Ер билан бир вақтда яралган эман дарахти асрлар оша ўзининг ўлмас тақдири билан дунёнинг буюк мўъжизаси бўлиб, ҳаммани ҳайратга солиб келмоқда» деб ёзган эди. Бугунги кунда ҳам аср ёшидаги эман дарахтлари бор. Ўрмонга яқин яшаган аҳоли учун бу дарахт жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Ундан қишда ўтин, қурилиш хом ашёси, қурол-яроғ, идишлар, рўзғор жиҳозлари ясашда, уй ҳайвонлари учун озуқа сифатида фойдаланилган.

Буғдой ҳали маълум бўлмаган даврда эман – нон дарахти ҳисобланган. Чунончи, шимолий давлатлар аҳолиси ўрмонзорларда эман дарахтининг мевасини қуритиб, майдалаб унидан нон тайёрлашган. Тозаланган мевасининг 40-60 фоизини крахмал, 8,3 фоизини ёғ ва оқсил ташкил қилади. Иссиқ минтақалар — Калифорния, Италия, Шимолий Африкада ўсувчи эман меваси эса аччиқ таъмли бўлади. Буни йўқотиш учун мева маълум ҳароратгача қиздирилади ёки пўстидан ажратилиб жўхоридек қилиб майдаланади, кейин 3-4 кун сувда сақланади. Сув 3-4 марта алмаштирилади. Охирида бир неча дақиқа қайнатилади. Қайнаб чиққандан сўнг унини ширин пишириқлар тайёрлашда ишлатилади. Унидан нон ёпиб бўлмайди.

Эман дарахти мевасидан кофе ҳам тайёрланади. У тана учун қўшимча озуқа сифатида болаларга, қон томир ва асаб хасталиги билан касалланган беморларга берилади. Унинг япроғи ва мевасининг қотирувчи хусусияти инсон организмига шифобахшдир. Уй ҳайвонлари учун эса тўйимли озуқа ҳисобланади. Қобиғи ҳам даволовчи хусусиятга эга. Куйганда, тиш милки шамоллаганда, заҳарланишда қайнатилиб ичилса, яхши натижа беради. Қобиқ қайнатмасидан терига ишлов беришда ҳам кенг фойдаланилган. Айниқса, 15-20 ёшли дарахт қобиғи қайнатмаси йирингловчи бактерияларга қарши энг яхши антисептик хусусиятга эга. Япроғи ипак қурти учун тут барги каби хусусиятга эга. Украина қишлоқ хўжалиги академияси профессори Н. Синицкий эман дарахти япроғида боқиладиган ипак қуртининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаган. Чунончи, унинг ипаги тут барги билан боқилган пилла қурти ўраган ипак толасидан қолишмас экан.

Япроғи таркибидаги такин моддаси қора бўёқ олишда қўлланилади.

Эман ёғоч-тахта сифатида кенг ишлатилади. Ёғоч тилинганда ўрта қисмида қизғиш қўнғир ва қўнғир қора рангларнинг мавжудлиги учун кема, вагон қурилишида, мебель, паркет ишлаб чиқишда, контейнерларнинг безагида ва бошқа кўп соҳаларда кенг фойдаланилади. У кесилиб сувга узоқ вақт ташлаб қўйилса, мустаҳкамлиги ортади ва қора рангга киради. Бундай ёғочлар жуда юқори баҳоланади.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, тиббиётда, инсон соғлигини сақлашда катта аҳамиятга эга бўлган эманни авайлаб-асрашимиз, сабабсиз кесилишининг олдини олишимиз керак. У ҳам барча дарахтлар каби кундалик ҳаётда ҳавони тозаловчи энг яхши манбадир.

**Райҳон САФАРОВА,**
**вилоят қўмитаси мутахассиси.**



# ОВ ҚУРОЛИ ОЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги ходимлари табиатимизни асраб-авайлашда фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, чегара қўшинлари, солиқ ва божхона бошқармалари ва «Угам Чотқол» миллий табиат боғи билан ҳамкорликда ўтказилаётган қўшма рейдлар самарали бўляпти.

Шундай рейдларнинг бирида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунга хилоф равишда ов қилиб юрган айрим шахслар қўлга олинди ва жавобгарликка тортилди. Жумладан, Чирчиқ дарёси ҳудудларида ўтказилган тезкор ҳаракатлар вақтида Юқоричирчиқ тумани «Саксон ота» фуқаролар йиғинидаги Тоштўғизоқ қишлоғида яшовчи ота-бола Анорбой ва Бегали Исмановлар ноқонуний ҳолда олиб юрган милтиқ олиб қўйилди ва уларга белгиланган тартибда жарима солинди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан ноқонуний тарзда фойдаланишнинг олдини олиш бўйича тезкор гуруҳ ва рейдлар ўтказишни янада кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз.

**Бахтиёр ҲОШИМОВ,**
**вилоят қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонат дунёсини муҳофаза қилиш давлат нозири.**

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Мирсобир МИРҲАМИДОВ тайёрлашди.

**Спорт | Спорт**

## ЎЙИНГА ЯРАША НАТИЖА

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7-11 март кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ташкил этилган "Alma TV" кубоги халқаро мусобақасида иштирок этди.**

Мусобақанинг сўнгги учрашуви – Ўзбекистон ва Қозоғистон терма жамоалари ўртасидаги баҳс олдидан "Alma TV" кубоги ҳар икки жамоадан бирига тегиши ойдинлашиб қолди.

Ҳал қилувчи ўйинда ҳисоб мезбонлар томонидан очилди. Анча бўш ўйнаган Бахтиёр Ашурматовнинг хатосидан фойдаланган қозоғистонликлар Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозамизга гол киритди. Ўтказиб юборилган голдан сўнг устунлик тўлалигача Ўзбекистон терма жамоаси томонида бўлди. Кўпсонли ҳужумларимизнинг бирини Александр Гейнрих гол билан якунланди. Ҳисоб – 1:1.

Ўйин охиригача ҳисоб ўзгармади ва кубок мезбонларда қоладиган бўлди.

**ЎзА.**

## УЧИНЧИ ЎРИН ВАКИЛЛАРИМИЗГА

**Жиззахдаги Олимпия захиралари спорт коллежида енгил атлетика бўйича анъанавий республика турнири ўтказилди.**

Унда 150 нафардан зиёд 14-15 ёшли ўсмир қизлар ғолиблик учун баҳс юритишди. Енгил атлетиканинг узоқ ва яқин масофаларга югуриш, баландлик ва узунликка сакраш, тўсиқлар оша ҳамда эстафетали югуриш, уч хатлаб сакраш каби баҳсларида умумжамоа ҳисобида биринчиликни Тошкент шаҳри жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин жиззахлик спортчиларга насиб этди. Вилоятимиз жамоаси эса учинчи ўрин билан кифояланди. Турнир ғолиблари ташкилотчилар томонидан тақдим этилган диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

**Буни ҳаёт дейдилар**

## ЭРКАКДА ҒУРУР БЎЛСИН ЭКАН...

Дилдора ҳар куни эрталаб ишга шошилади. Болаларини кийинтириб, бирини мактабга кузатса, иккинчисини боғчага олиб боради. Кечқурун ишдан сўнг ҳам худди шу аҳвол. Уйига шошади. Болаларининг отаси бўлса, ҳеч қаерда ишламайди. Нима учун ишламаслигини фақат ўзи билади. Куни билан уйда ивирсиб юради. Тушгача бошини ёстиқдан кўтаролмайди. Шундай бўлсада, Дилдора: «Майли, – дейди, – ўзим соғ-саломат, елиб-югуриб ишлаганимга не етсин».

Олдин унинг фарзандлари йўқ эди, ҳаётга ҳам қизиқиши сўнган эди. «Нима учун ишлаб, нима учун яшаяпман бу дунёда», дерди. Мана энди унинг фарзандлари бор. Улар учун ишлаб, улар учун яшайди. Ҳаётга қизиқиши ҳам бошқача. Чунки уларни кийинтириши, едириб-ичириши керак-ку.

Дилдора гоҳи-гоҳида қаттиқ изтиробга тушади. «Етти мучаси соғ эркак кишининг ишламай, уйда ўтириши инсофданми? Рўзғорни аёл боши билан бир ўзи тебратиши осон бўлмаяпти. Ҳар томонлама тани-жони соғ эркакнинг ишламагани ҳам бир сари, ҳар куни ичиб олиб, болаларини ҳақоратлаб, уларга бўлмағур гапларни ўргатиши аёл кишини эзиб юборади.

Одам темир эмас, бора-бора бундай можаролар, ҳақоратлар, айниқса, қўни-қўшнилар ва фарзандлари олдидаги мулзамлик Дилдоранинг юрагини эзиб, пора-пора қилиб юборарди. «Бир кунгина бўлсада тинчгина ўтириб, болалар тарбияси билан шуғулланмаган ота отами?» дейди-да, яна инсофга келиб қолишини кутади.



Кеча Дилдора ишдан хийла кечикиброқ қайтди. Эшикдан кириши билан болаларининг отаси ҳақорат қила кетди: «Қаерда юрибсан, ўзингни пуллаб? Эрта кетиб, кеч келасан. Кўчада нима иш қилиб юрганингни яхши биламан. Шундай бўлгач, мен ичмай, ким ичсин!»

Шу пайт 10 ёшга қадам қўйган ўғли Жасуржон:

– Дадажон, мунча ойимни қийнайверасиз. Бўлмаса, ўзингиз ишлаб, пул топиб, бизларни боқинг, ойим ишламасинлар, – деди.

– Сен тирранча менга гап ўргатма, бўлмаса ҳозир ҳаммангни йўқ қиламан, – деб ота қўлига пичоқ олди.

Бечора ўғилнинг юраги ёрилгудек бўлди. Эшикдан чиқишга ҳам улгурмай, деразадан ошиб қочди. Дилдора ўғли ва қизи билан яна кўчада қолди. Ўғли бўлса: «Ойижон, нега шундай яшаймиз? Бошқа ўртоқларимнинг оталари жуда яхши-ку. Сизга жуда ачиниб кетяпман. Ўзингизни асранг, ҳали бизга жуда кераксиз», деб йиғларди.

Ҳаёт нақадар мураккаб экан. Бу ўткинчи дунёда биров бахтли, биров мана шундай бахтсиз яшайди. Дилдоранинг ҳам болалари айни ўйнаб-куладиган, яхши еб, яхши киядиган вақтида шунчалар эзилиб, қочиб-қувиб, бировларнинг уйида ухлаб, эрталаб яна ҳеч нарса бўлмагандек мактабга, боғчага кетишади.

Балки, шундай бўлишига Дилдоранинг ўзи ҳам сабабчидир. Унинг олдинги турмушидан ҳеч бўлмаса биттагина фарзанди бўлганида эди, улар бахтли, ҳеч нарсага зориқмай яшаган бўлармиди? Яна ким билади.

«Ҳаёт жуда қизиқ, яхши кўрган кишинг қолиб, бир мусофир, ичкиликбоз кимсадан фарзанд кўрдим», дея юм-юм йиғлайди Дилдора. Яна, бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил, деганларидек, ўзига-ўзи тасалли беради: «Ахир дунёда турмуш қурмай ўтганлар ёки турмуш қурган бўлса-да, фарзандга зорлар ҳам бор-ку». Худога минг шукрки, унинг фарзандлари ёнида. Ҳар доим уларнинг соғ-саломат юришларини ўйлайди. Лекин салкам 20 йилдирки, бирга яшаб, эгнига биронта кийим олиб бермаган ёки рўзғорни тўлдиришга ҳаракат қилмаган эркак билан яшагани учун эзилиб кетади. Унинг яна қанча йил умри уйидаги эркагига инсофу тофиқ сўраб ўтар экан?..

**Лутфиниса ОДИЛОВА.**

**Ибрат**

## СЎНГГИ ИЛИНЖ

**Абу Райҳон Беруний ёмон дардга чалинди. Ҳозиқ табиблар имкон қадар муолажа қилдилар, аммо беморнинг аҳволи яхшиланмади, аксинча, дард кундан кунга кучайиб бораверди. Бу дунёдан насибаси узилаётганини Берунийнинг ўзи ҳам сезиб турарди. Лекин унинг жўшқин табиати илму ирфон уммонидан сўнгги қатрагача олиб қолиш илинжида эди.**

Бир куни уни кўргани дил маҳрами қози Валвалижий қадам ранжида қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Беруний деди:

— Тунов куни нотўғри даромад хусусида бир нима дединг, вале далилинг чала қолиб эди, ўша мавзуга қайтсак...

Қози ажабланди.

— Ҳозир бу масъалани мунозаша этмак мавридими, мавлоно, — деди у. — Халлоқи оламдин сизга офият тилайдурмен, иншооллоҳ, ўшандай саодатли кунларга қолдирайлик бул масъалани.

Беруний ранжиганнамо деди:

— Эҳ, қози жаноблари, дўстим! Сиз ҳам ярамга туз сепмангиз. Бу фоний дунёдин бир масъала ечимин билмасдан ўлиб кетгандин кўра, билиб, кўз юмган афзал эмасму? Айтинг энди!

Қози Берунийнинг товушидаги амирона оҳангга бўйсунишга мажбур бўлди ва нотўғри даромад борасидаги тахминларини батафсил сўзлади. Олим кўзларини юмганча, тинглади ва хўрсинди.

Валвалижий жўнади. У уйига етар-етмас, ортидан шум хабар келди: Абу Райҳон Беруний оламдан ўтган эди.

**Сайфи СОДИҚ.**


## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2145-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | Оққўрғон тумани, Сегизбоев қўрғони |
| 2. | Оҳангарон тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи | Оҳангарон тумани, Санам қўрғони |
| 3. | Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи | Бекобод тумани, Улуғбек қишлоғи |
| 4. | Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи | Зангиота тумани, Эркин қўрғони |
| 5. | Қуйичирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи | Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод қўрғони |
| 6. | Пскент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи | Пскент тумани, Оқтепа қўрғони |
| 7. | Ўртачирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи | Ўртачирчиқ тумани, Чиғириқ қўрғони |
| 8. | Тошкент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи | Тошкент тумани, Кўксарой қўрғони |
| 9. | Янгийўл тумани педагогика коллежи | Янгийўл тумани, Шўралисой қишлоғи |
| 10. | Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | Ангрен шаҳри, Красногорск маҳалласи |

**II. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.**

**III. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома;
4. Таржимаи ҳол;
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
9. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
10. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
11. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
12. Меҳнат дафтарчанинг ксеронусхаси;
13. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.**
**Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. Телефон: 66-09-59.**



## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Respublika Mulk-Auksioni" давлат унитар корхонаси

**билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ АУКЦИОН савдоларига таклиф этади.**

**Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонларининг савдоси 2007 йил 10 апрель куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.**

| Ер майдонининг жойлашган манзили | Бир ер майдонининг сатҳи (кв.м.) | Бир ер майдонининг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|
| Янгийўл шаҳри, Янгилик даҳаси ҳудудида жойлашган 4 та ер майдони | 400 | 78 672,0 |
| Янгийўл шаҳри Қатортол кўчаси 52-а уй ёнида жойлашган 3 та ер майдони | 400 | 78 672,0 |
| **Ушбу АУКЦИОН савдоларида сотилмай қолган ер майдонларининг такрорий савдоси 2007 йил 17, 24 апрель кунлари соат 15:00 да ўтказилади.** | | |

**2007 йил 3 апрель куни соат 15:00 да ўтказиладиган АУКЦИОН савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади.**

**1.** Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли авария ҳолатига келиб қолган собиқ **"Чирчиқ меҳмонхона биноси"** (бузиб олиш шарти билан).

Объект жойлашган манзил: **Чирчиқ шаҳри, Охунбобоев кўчаси.**

**Бошланғич баҳоси – 26 544 458,0** (йигирма олти миллион беш юз қирқ тўрт минг тўрт юз эллик саккиз) сўм.

– "Объект"ни сотиб олиш тўловларидан ташқари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан "Зилзилабардош қурилиш" ИЛМнинг хулосаси учун хизмат ҳақига тўланган 2 500 000,0 (икки миллион беш юз минг) сўмни Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига тўлаб бериш;

– бузилган бино майдонларини қурилиш чиқиндиларидан тозалаш ва обод қилиш:

**2.** Чирчиқ шаҳри ҳокимлигига қарашли авария ҳолатига келиб қолган собиқ **"7-сонли Болалар боғчаси биноси"** (бузиб олиш шарти билан).

Объект жойлашган манзил: **Чирчиқ шаҳри, Шарқ кўчаси.**

**Бошланғич баҳоси – 13 774 583,0** (ўн уч миллион етти юз етмиш тўрт минг беш юз саксон уч) сўм.

– "Объект"ни сотиб олиш тўловларидан ташқари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан "Зилзилабардош қурилиш" ИЛМнинг хулосаси учун хизмат ҳақига тўланган 2 000 000,0 (икки миллион) сўмни Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига тўлаб бериш;

– бузилган бино майдонларини қурилиш чиқиндиларидан тозалаш ва обод қилиш:

**3.** Чирчиқ шаҳри ҳокимлигига қарашли авария ҳолатига келиб қолган собиқ **"4-сонли Болалар боғчаси биноси"** (бузиб олиш шарти билан).

Объект жойлашган манзил: **Чирчиқ шаҳри, Пушкин кўчаси.**

**Бошланғич баҳоси: 10 527 908,0** (ўн миллион беш юз йигирма етти минг тўққиз юз саккиз) сўм.

– "Объект"ни сотиб олиш тўловларидан ташқари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан "Зилзилабардош қурилиш" ИЛМнинг хулосаси учун хизмат ҳақига тўланган 2 000 000,0 (икки миллион) сўмни Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига тўлаб бериш;

– бузилган бино майдонларини қурилиш чиқиндиларидан тозалаш ва обод қилиш:

**Ушбу савдоларда сотилмай қолган объектларнинг ТАКРОРИЙ АУКЦИОН савдоси 10, 17, 24 апрель кунлари соат 15:00 да ўтказилади.**

***Шунингдек, 3 апрель куни соат 15.00 да ўтказиладиган АУКЦИОН савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари ҳам қўйилади:***

| Русуми | Тури | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Двигатель рақами | Шасси рақами | Техник ҳолати | Бошланғич баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси 44-уйда жойлашган, Давлат тижорат Халқ банкининг 3561-сонли Юқоричирчиқ туман филиалига қарашли | | | | | | | |
| ГАЗ 31029 (оқ ранг) | енгил | 11 АС 474 | 1993 | 75360 | 95893 | носоз | 184 670,0 |
| Чиноз шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 15-уйда жойлашган, Чиноз туман ҳокимлигига қарашли | | | | | | | |
| "НЕКСИЯ" (оқ ранг) | енгил | 11 TV 015 | 2004 | 913213 | – | носоз | 603 900,0 |
| Бўстонлиқ тумани, Хондойлиқ ҚФЙ да жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошидаги Ғазалкент соғломлаштириш марказига қарашли | | | | | | | |
| "ГАЗ 3307" (хаки ранг) | енгил | 11 AL 115 | 1995 | 57686 | 1601103 | носоз | 4 500 000,0 |

**Ушбу савдоларда сотилмай қолган автотранспортларнинг ТАКРОРИЙ АУКЦИОН савдолари 10, 17, 24 апрель кунлари соат 15.00 да ўтказилади:**

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин, ер майдонларига эса 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби томонидан мулкни сотилиш баҳосидан ташқари мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи ордер олиш учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги давлат божи маҳаллий бюджетга тўланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсаноатқурилиш банки" Марказий амалиёт минтақавий филиали ҳисоб рақами 20210000804537599001 МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100 закалат пули тўлашлари шарт.

**Аукцион савдоси Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.**

**Имкониятингизни қўлдан бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.
**Телефонлар: 139-21-03, 139-83-82, 150-35-55. Факс: 139-83-77.**



## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**2007 йил 17 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент вилояти Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 2007 йил 8 февралдаги 340-ижро ҳужжатига асосан, Бекобод шаҳри, Ғ. Ғулом кўчасида жойлашган, "Бекободсувоқава" ИЧШКнинг собиқ маъмурий биноси ва чойхона биноси. Бинолар таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси – 4 090 410 сўм.**

**2.** Тошкент вилояти Бекобод шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 2007 йил 7 февралдаги 343-ижро ҳужжатига асосан, Бекобод шаҳри, 14-даҳа, А. Темур кўчасида жойлашган "Металлург" ХУЖМШнинг идора биноси. Бино таъмирталаб.

**Бошланғич баҳоси – 1 832 774 сўм.**

**3.** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ЖИБ судининг 2006 йил 18 октябрдаги 1-291-сонли ижро ҳужжатига асосан, Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Бўстонлиқ тумани суди биноси ҳудудида сақланаётган ВАЗ-210700 русумли, давлат рақами 11 К 2425, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Автотранспорт тўлиқ таъмирга муҳтож.

**Бошланғич баҳоси – 1 000 000 сўм.**

Ушбу кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситаси сотилмаган тақдирда 2007 йил 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7, 12, 14 июнь кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк" Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Телефонлар:** 399-79-52, 133-28-52.

**ДИҚҚАТ ТУЗАТИШ:**

**1.** "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 24 февраль 16-сонидаги 2007 йил 20 март соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоси 2007 йил 29 март соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоси деб ўқилсин.

Шунингдек, эълонда кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда 2007 йил 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24 май кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

**2.** "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2007 йил 10 февраль 12-сонидаги

**11.** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2005 йил 5 апрелдаги 11-0421/1815-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган "Ғазалкент ойна" қўшма корхонасига қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар қўрғонида жойлашган "Маданият уйи" объекти.

**Бошланғич баҳоси – 564 647 500 сўм.**

Жумласи қуйидагича ўқилсин:

**11.** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2005 йил 5 апрелдаги 11-0421/1815-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган "Ғазалкент ОАФ"га қарашли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент қ.ф.й.да жойлашган "Тара базаси" объекти.

**Бошланғич баҳоси – 564 647 500 сўм.**
**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz.**
**Лицензия: DB 001 № 000004.**


### Эб-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 14 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 15-17 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 15-20 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.


Юнусобод туман ҳокимияти томонидан 2003 йилда Рахматуллаев Изатилла Асатуллаевич номига берилган 1019951 рақамли хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ALEX-LEND" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 205626484)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 186-26-93 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"MADINA-ORZU-LYUKS" хусусий корхонаси (ОКПО 19880920)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Чилонзор тумани, Шарқ тонги, 12-уйда қабул қилинади.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 10183. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.50. 2 3 4 5 6